O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O`RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
O`ZBEK FILOLOGIYASI KAFEDRASI

O`ZBEK FILOLOGIYASINING DOLZARB MUAMMOLARI

Professor S.Aliyev tavalludining 95 yilligi hamda professor O.Safarov tavalludining 75 yilligiga bag'ishlangan ilmiy-nazariy anjuman materiallari

2015-yil 15-16-aprel

Buxoro – 2015

Ushbu to`plamdan adabiyotshunos olim professor S.Aliyevning 95 yilligi hamda folklorshunos olim professor O.Safarovning 75 yilligi munosabati bilan o`tkazilagan ilmiy-amaliy anjuman materiallari o`rin olgan. Anjuman materiallari to`plamida o`zbek filologiyasi masalalariga bag`ishlangan ilmiy, usuliy qarashlar, izlanishlar mahsuli bo`lgan maqolalar jamlangan. Mazkur to`plam filolog o`qituvchilar, filologiya ta'lim yo`nalishida tahsil olayotgan talabalar, shuningdek, magistrantlar hamda ilmiy xodimlarga mo`ljallangan.

Mas'ul muharrirlar:

Sh.Axmedova,
filologiya fanlari doktori,
professor

M.Abuzalova,
filologiya fanlari nomzodi,
professor

Taqrizchilar:

H.Eshonqulov,
filologiya fanlari nomzodi,
dotsent

B.Jamilova,
filologiya fanlari nomzodi,
dotsent

A.Ahmedov,
filologiya fanlari nomzodi,
dotsent

Buxoro davlat universiteti, 2015

неогидронимлар мустақиллик йилларида Ўзбекистон давлатининг топонимик сиёсати асосида вужудга келган сув объектлари номлари ҳисобланади. Масалан, *"Гунча"*, *"Навбаҳор"* (Нам. в. Янгикўрғон т.), *"Орзу" машина канали* (Анд. в. Марҳамат т.), *Гулбаҳор* (насос станцияси – Анд. в. Жалолкудук т.), *"Мустақилликнинг етти йиллиги"*, *"Мустақилликнинг саккиз йиллиги"* (Анд. в. Избоскан т.), *"Истиқлол"*, (насос станцияси – Анд. в. Асака т.), *"Янгизамон"* (сув назорати пункти – Анд. в. Избоскан т.), *"Янгиҳаёт"*, *"Янгиқадам"* (насос станциялари – Фар. в. Бувайда т.) каби гидронимлар ҳам замонавий гидронимлардир.

Келгусида юқорида келтирилган тарихий манбалар асосида тарихий ономастика, топонимия ва гидронимия масалаларини тадқиқ этиш ўзбек ономастикасининг долзарб вазифаларидан бўлиб, бу ўзбек тил тарихи, диалектологияси, ономастика соҳалари ҳамда тарих, география, этнография фанлари учун муҳим илмий-назарий ҳамда аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Бегматов Э. Жой номлари – маънавият кўзгуси. – Тошкент: Маънавият, 1998.
2. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006.
3. Қораев С. Географик номлар маъноси. – Тошкент: Маънавият, 1998.

НАРСАГА ЁНДАШИШДА МЕТОДОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИК

Абузалова М.(БухДУ доценти)

Фалсафий-методологик адабиётларда нарсани*(бу ўринда кенг маънода- лисонийлар, бирликлар маъносида ҳам қўлланилмоқда)* фаҳмий ўрганиш усулларига хосланган фалсафий-методологик йўналишлар сифатида *сенсуализм, эмпиризм, реализм, атомизм, феноменализм, эмпириокритицизм* кабилар кўрсатилади. Булар оддий материалистик ёндашиш усуллари бўлиб, нарсага **мустақил, барқарор, алоҳидалик** сифатида ёндашиш билан бирлашади. Оддий (вульгар) материалистик ёндашув бевосита кузатишда берилган нарса воқеликда қандай мавжуд бўлса, уларни худди шундай тасвирлашга асосланади. Унинг турли йўналишлари мана шу бевосита кузатишда берилган нарса-ҳодисанинг турли томонларига алоҳида эътибор қаратиш билан бир-биридан ажралиб турса-да, бевосита кузатишда берилган маълумотларни ҳақиқат деб билганлиги билан бирлашади. Чунончи, **атомизм** ("алоҳида зарра") – нарса, материя тузилишининг физикавий-кимёвий асосини таянади. **Сенсуализм** (лотинча *sensus* – ҳис, сезги) – гносеология соҳасидаги таълимот бўлиб, у сезгини билишнинг бирдан-бир манбаи сифатида эътироф этилади. Сезги билиш жараёнининг бошқа томонлари билан, яъни тажриба ва абстракт тафаккур билан узвий бирликда бўлган тақдирдагина билишнинг зарур томони бўлиши мумкин.

Бу фалсафий йўналишларга қарама-қарши ўлароқ, *рационализм, функционализм, структурализм, семантизм* каби йўналишлар шаклланган. Бу йўналишларда нарса ҳақида идрокий билим ҳосил қилиш бош мақсад қилиб қўйилади. Нарса ҳақида идрокий билим унинг ўзга алоқадорлари билан муносабатлари, унинг бутун таркибида тутган ўрни вазифасини очиб бериш, яъни нарсага **диалектик** ёндашиш асосида ҳосил қилинади. Диалектик ёндашув асосида ҳосил қилинган билимлар фаҳмий усул билан аниқланган тавсифланган ва системалаштирилган ҳодисалар ранг-баранглигининг сабабларини очиб беришга хизмат қилади. Диалектик ёндашув номиналистик ёндашувнинг давоми номиналистик ёндашув диалектик ёндашувни тақозо қилади. Фанларнинг тараққиёт тарихи фаҳмий – идрокий – фаҳмий – идрокий – фаҳмий … тараққиёт босқичларининг бирин-кетин, узлуксиз алмашинуви силсиласидан иборатдир. «Аввало, нарса жонли мушоҳада, бевосита кузатиш воситасида ўрганилиб, унинг хусусиятлари, қирралари, томонлари аниқланади, натижада бу хусусиятлар, далиллар, ҳодисалар тўплами сараланади...; идрокий, ақлий, диалектик таҳлил усулларига ўтиш эҳтиёжи пайдо бўлади"[1,27]. Навбатдаги босқичда идрокий ўрганиш воситасида қўлга киритилган билимлар асосида ўша нарсанинг ўзи янги босқичда фаҳмий усуллар билан ўрганилади

яиги қирралари тавсифланади, улар яна идрокий босқичда умумлаштиришни талаб
ı ва ҳоказо. Мана шу асосда инсон онги ва унинг маҳсули бўлган фан ўз тадқиқ
ининг моҳиятига чуқурлашиб бораверади. Шунинг учун фалсафада моҳият ҳам,
ат ҳам ҳамиша нисбий тушунчалар сифатида қабул ва талқин қилинади.
убстанциаллик ҳам нарсага ёндашишнинг кўринишларидан бири бўлиб, у юқорида
ўтилган икки хил ёндашиш – материалистик ва диалектик билиш усулларида икки
ушунилади. Материалистик ёндашишда субстанциаллик асосида субстанция –
й борлиққа эга бўлган нарса/воқеа/ҳодисанинг объективлиги, ҳақиқий эканлиги
олик сифатида тан олинади. Диалектик ёндашишда эса субстанциаллик тамомила
ча – бевосита кузатишда берилган нарса/воқеа/ҳодисалар "мажмуи асмо ва сифот"
ида, яъни белги-хусусиятлар ва муносабатлар мажмуаси сифатида очиладиган ва
та кузатишда берилмаган моҳият сифатида қаралади. Шунинг учун материалистик-
нциал ёндашишда нарса моддийликда муайян воқеланиш ҳолатида тасвирланса,
тик- субстанциал ёндашишда нарсанинг чексиз шакл ва ҳолатларда воқеланишлари
ида ётган ва шу воқеланишларнинг сабаби бўладиган муносабатлар мажмуаси
инг субстанциал моҳияти деб тушунилади. Демак, материалистик-субстанциал
ишда субстанция – бу нарсанинг ўзи (умумий ёки хусусийлиги аҳамиятсиз),
тик ёндашишда эса субстанциаллик бу – нарсанинг ўзи эмас, балки унинг ўзига
ı ва фарқли, лекин алоқадор бошқа нарсалар билан муносабатлари мажмуасидир.
иалистик-субстанциал ёндашиш нарса субстанциал моҳиятини унинг ўзидан
иб чиқарса, диалектик-субстанциал ёндашиш нарса моҳиятини унинг
абатларидан келтириб чиқаради. Фалсафий адабиётларда материалистик
ишнинг кўпинча "жўн" ("наивный") деб аталишининг сабаби – шу. Ҳақиқатан ҳам
гина *уйга* сўзшаклини олиб кўрайлик. *Уйга* сўзшакли – муносабатлардан ажратилган
да бирлик, материалистик субстанция, борлиқ, мавжудлик. Муносабатлардан
илган бу атомистик, сенсуалистик моддий ҳодиса бизга қандай маълумот бера
? Минглаб матнларни дескриптив усул билан таҳлил қилганимизда унинг *уй* ва *-га*
арқарор бутунликлардан иборат эканлигидан бошқа маълумотга эга бўла олмаймиз.
ишлар асосида *уй* ва *–га* нинг қандай қуршовларда кела олишини ҳам аниқлашимиз
сифлашимиз мумкин. Худди шундай матнларнинг таҳлили асосида биз *уй* бутунлиги
а *китоб, дафтар, одам, қиз* каби барқарор бутунликларни, *уйга* позициясидаги *-га*
а эса *-нинг, -ни, -да, -дан* бутунликларининг кела олишини, яъни

уй га
дафтар ни
китоб да
қиз дан

арини алмаштира олишлари ҳақида *уйга, одамга, дафтарни, қизга*; шунингдек,
уйдан, одамдан... қандай қуршовларда кела олишини тасвирлаб беришимиз мумкин.
ı "нима учун мана шундай қуршовда *уйга* шакли *уйда* эмас, нима учун мана бу
овда *қизга* шакли-ю, *қизда* шакли эмас"лигини оддий фаҳмий, матний, моддий
ишлар асосида тушунтира олмаймиз. Оддий материалистик субстанциал ёндашиш
а учун мана шу ҳолатда *уйга* шаклида қўлланган, *уйда* эмас..." каби масалани ечиб
олмайди, чунки бундай ёндашиш *-га* моҳиятини, яъни унинг ранг-баранг шакл ва
итларда қўлланиш асоси, замирини очиб бера олмайди.

Диалектик субстанциал ёндашиш эса шу нарсанинг чексиз шакл ва кўриниш ҳамда
итларда воқеланишларини, ўзаро муносабатларини таҳлил қилган ҳолда, ушбу
ı-хил кўриниш, шаклларда воқеланиш сабабларини очиб беради. Диалектик
нилган субстанциаллик "муносабатлар мажмуаси" сифатида қаралади ва фанда узоқ
га эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Т., 1993. – Б. 27